## Ушбу шартлар асосида учта видеоролик тайёрлаб бериш керак

### Дарахтлар ҳақида видеороликни тайёрлаб бериш

1-эпизод.

Ўрмон. (фонда майин мусиқа эшитилиб турибди) Қалин дарахтзорга бир машина келиб тўхтайди. Машинадан учта одам тушиб атрофга, дарахтларга қарайди. Одамлардан бири баланд бир дарахнинг ёнига бориб юқорига қарайди. Дарахт одамнинг кўзларига кўп қаватли уйга, кўп қаватли уй эса пулларга айланиб кўринади. Бизнесмен одам шерикларига қараб кулиб қўяди.

2-эпизод.

Хона. (мусиқа бироз тезлашади) Бизнесмен одам хонада ўтирганча чизма чизаяпти. Чизмада ўрмон дарахтларининг аста секин ўчирилиб, ўрнига кўп қаватли уйлар қурилаётганлиги кўринади. Чизма бошидаги ўрмон бутунлай шаҳарга айланади.

3-эпизод.

Хона. (мусиқа янаям тезлашади) Тезлаштирилган кадрлар. Дарахларнинг навбат билан кесилаётган ҳолати (интернетда бор). Одамнинг офисда жилмайган қиёфада ўтирганлиги ва бир гуруҳ одамларнинг қўлларида пул билан унга томон интилаётганликлари. Дарахтларнинг батамом кесиб юборилганлиги (интернетда бор дарахт кесиш кадрлари).

4-эпизод.

Мусиқанинг янаям тезлашган ҳолати. Шаҳар бўйлаб машиналарнинг кетаётганлиги ва машиналардан чиқаётган тутунлар, заводларнинг тутунлари, хазонларнинг тутаб ёнаётганлиги... тез ёрдам машинасининг сиренасини ёққан ҳолда кетаётганлиги, одамларнинг ҳорғин, умидсиз нигоҳлар билан қараб туришлари, шифокорлар бир одамнинг қон босимини ўлчаётганлиги, одамларнинг бирин-кетин худди кесилган дарахтлардек йиқилаётганлиги, ям-яшил бўлиб ҳаёт нафаси уфуриб турган дарахтзорнинг оқ-қора тасвирдаги шаҳарга айланганлиги.

5-эпизод.

(Мусиқа энг тез ҳолатга ўтади) Тез ёрдам машинасининг шошилганча шифохона эшигига келиб тўхтаганлиги. Шифокорларнинг машинадан дарахларни кесган бизнесмен одамни олиб тушишлари. Бизнесмен одамнинг аппаратга улаб қўйилганча реанимацияда ётганлиги ва юраги тўхтаб-тўхтаб ураётганлиги. Бир фурсат ўтиб эса юрак уришининг бутунлай тўхтаганлиги ва аппаратда тўғри чизиқ чизилаётганлиги кўринади... одамларнинг дарахт танасини худди тобутни елкалагандек кўзларида ёш билан елкалаб кетаётганлиги кўрсатилади.

6-эпизод.

(Мусиқа сокинлашади) Ўрмон. Биринчи кўриниш. Бизнесмен одам шок ҳолатда биногa айланган дарахтга қараб турибди ва бўйинбоғини ечганича белкурак олиб ер қазий бошлайди. Дарахт ёнига яна бир ниҳол қадайди. Ниҳолга сув қуйганча шерикларига қараб жилмайиб қўяди.

Титр: Ҳавони асранг! Дарахтларни асранг! Ҳаётни асранг!

# Ахлат ҳақида ролик видеороликни тайёрлаб бериш

1-эпизод.

Фонда сокин мусиқа эшитилиб турибди. Бир одам йўл четига қўлидаги ичимлик идишини ташлаб ўтади. Одам орқа томондан кўрсатилади, юзи кўринмайди. Кейин бир бола ўша жойга музқаймоқ қоғозини ташлаб ўтади. Одамлар ўша йўлдан ўтиб-қайтаётганлиги ва қўлидаги ҳар хил буюмларни ташлаб кетаётганлиги кўринади. Ахлат уюми тобора  катталашиб бораверади. Мусиқа тезлашади. Энди одамлар машиналарда келиб ўша жойга ахлат ташлаб кетаётганлиги кўринади. Ахлат уюми борган сари катталашаверади.

2-эпизод.

Мусиқа тезлашади. Тошкент денгизи соҳилларида ахлат уюмлари тўпланиб ётганлиги кўрсатилади. Ахлатларнинг бир қисми сув юзасида қалқиб турибди. Мусиқа янаям тезлашади. Денгиз четида балиқларнинг ўлик ҳолда соҳилда ётганлиги кўрсатилади.

3-эпизод.

Тезлаштирилган кадрлар ва тезлаштирилган мусиқа фонида одамларнинг дуч келган жойга ахлат ташлаб кетаётганлиги, кимлардир уй деразасидан ташқарига ахлат улоқтираётганлиги, машиналардан йўлга ахлат ташлаб кетаётганлар кўрсатилади. Одамларнинг ахлат уюмлари ёнидан жирканганча юзига дастрўмол тутиб ўтаётган ҳолатлари, ариқларда сув юзасида ахлатлар оқиб келаётганлиги кўринади. Ахлат уюмларидан чиқаётган бадбўй ҳид яшил фонда кўрсатилади. Аста-секин яшил фон ҳар тарафдан кўпаёиб бораётганлиги кўринади. Тошкент денгизининг сувига яшил фонда соя тушаётганлиги кўрсатилади. Марказий ахлат тўплаш майдонининг тасвири кўрсатилади ва бутун оламни яшил фон соя билан ўраб бораётганлиги кўринади. Биринчи синф болаларининг яшил фон орасида тушкун ҳолатда кетиб бораётганлиги ва бирин-кетин йиқилаётганлари кўринади. Кейин тошденгиз соҳилида дам олувчиларнинг ўйчан ҳолатда ҳушларини йўқотиб бирин-кетин ерга ётиб қолаётганликлари ва қийналиб нафас олаётган ҳолатлари кўрсатилади.

4-эпизод.

Бир бола чанг билан қопланган глобусга ўйчан нигоҳлари билан қараб турибди. Бола қўлига намланган латта олиб глобусни арта бошлайди. Оламни қоплаб олган яшил фон аста секин орқага ҳаракатланиб кичрайиб бораверади. Бола глобусни артишда давом этади. Кадрлар орқага айланиб, одамлар бирин-кетин ўрнидан тураётганликлари, йиқилиб тушган болалар яна ўрнидан туриб бир-бирларига кулиб қараб қўйишлари, ахлат ташлаб кетаётганларнинг ахлатлари яна қўлларига қайтиб келаётганлиги, балиқларнинг дарё бўйлаб эркин сузиб юрганлиги кўрсатилади. Биринчи эпизодга қайтилади ва биринчи ахлат ташлаган одам йўл четида бир муддат тўхтаб қолади. Қўлидаги ичимлик идишини ташламоқчи бўлади, лекин ташламасдан идишни маҳкам ғижимлаганча яна йўлида давом этади. Кадр охирида боланинг ялтираб турган тоза глобусга кулиб қараб турганлиги кўринади.

Титр: Тозалик кўнгилдан бошланади! Ўз оламингни асра! Табиатни асра!

## Дарёда ва ариқда оқаётган сувлар ҳақида видеороликни тайёрлаб бериш

1-эпизод.

Майин мусиқа фонида ариқдан оқаётган зилол сув кўрсатилади. Ўзбекона миллий кийимдаги бир инсоннинг ариқ сувини ҳовучлаб ичаётганлиги, сувда олмалар оқиб келаётганлиги кўринади.

2-эпизод.

Соат миллиарининг тезликда айланаётган кўриниши. Мусиқа тезлашади. Яна ўша ариқ кўрсатилади. Энди ариқдан ахлат аралаш лойқа сув оқиб ўтаяпти. Одам эса ҳомуш қиёфада сувга қараб турибди.

3-эпизод.

Мусиқа янаям тезлашади. Дарё бўйида ахлат уюмлари тўпланиб ётганлиги кўрсатилади. (Чирчиқ дарёси соҳилларида кўп бундай жой) Ахлатларнинг бир қисми сув юзасида қалқиб турибди. Мусиқа янаям тезлашади. Дарё четида балиқларнинг ўлик ҳолда ётганлиги кўрсатилади. Тадбиркорлар экскаваторларда дарё соҳилидан тош олиб юк машиналарига ортаётганлиги тасвирга олинади. (Чирчиқ дарёси бўйида, Юқоричирчиқда кўп тош оладиганлар).

4-эпизод.

Тошденгиз ва Чорвоқ соҳилларида одамларнинг дам олаётган ҳолатлари кўрсатилади. Кемалар ва балиқ овлаётганлар кўраситилиб борилади. Орол денгизининг эски видеолари кўрасатилади. Оролда одамларнинг хурсадчилик билан балиқ овлаётган видеолари кўрсатилади. (интернетдан бор) Соат милларининг тез суратда айланаётганлиги кўринади. Тошденгиз ва Чорвоқ соҳиллари энди чиқиндихонага айланиб бораётганлиги, оролнинг саҳрога айланганлиги, орол одамларининг кўзларида ёш билан оролини соғинаётган видеолари кўрсатилади.

5-эпизод.

Мусиқа янаям тезлашади. Ариқдан ахлат оқиб келаётганини ҳомуш қиёфада кузатиб турган ўзбекона кийимдаги одам асабийлашганча ариққа тушиб уни ахлатлардан тозалай бошлайди. Ахлатларни бирин-кетин олиб четга улоқтирганча ариқни тоза ҳолда асраб қолишга уринаётганлиги кўринади. Соат миллари энди орқага томон тезликда айланаётганлиги кўринади. Одамларнинг Чорвоқ ва Тошденгизда хурсанд ҳолда юрганликлари кўрсатилади.

6-эпизод.

Майин мусиқа фонида ариқдан оқаётган зилол сув кўрсатилади. Ўзбекона миллий кийимдаги одам энди худди ўзи каби кийиниб олган ўғли билан хурсанд ҳолда ариққа қараб турибди. Одам ҳовучига сув олиб ўғлига ичираётганлиги кўринади.

Титр: Фарзандларимизга зилол сув, беназир табиат, гўзал ва бетакрор Ватан қолдирайлик!

## Видеоролик тайёрлаш ҳақида СМЕТА харажатлари

| № | Наименование работ(услуг) | Ед изм | Количество | Цена (сўм) | Стоимост поставки |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Дарахтлар хакида видеоролик тайёрлаб бериш(бизнинг шартлар асосида) | усл ед | 1 | 40000000 | 40000000 |
| 2 | Ахлат ва чиқиндилар хакида видеоролик тайёрлаб бериш(бизнинг шартлар асосида) | усл ед | 1 | 40000000 | 40000000 |
| 3 | Дарё хавзалари ва сув хавзалари хакида видеоролик тайёрлаб бериш(бизнинг шартлар асосида) | усл ед | 1 | 40000000 | 40000000 |
| | **Всего к оплате** | | | | **120 000 000,00** |

**Бошқарма бошлиғи** **Б.Жураев**